

МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ ТАХДИДЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Х.Х.Эшов - *“Маънавият ва маърифат” маркази бўлим бошлиғи*
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Таянч сўзлар: маънавият, маънавий таҳдид, глобаллашув, ахборот инқилоби, хавфсизлик, сиёсат.

Ключевые слова: духовность, духовная угроза, глобализация, информационная революция, безопасность, политика.

Key words: spirituality, spiritual threat, globalization, information revolution, security, politics.

Бугунги кунга келиб дунё борган сари кичрайиб, янгича шакл ва моҳият касб этаётганга ўхшайди. Ҳозирги кунда бир давлатни бошқа давлат томонидан курол, армия ёрдамида босиб олиш хавфи камайиб, ахборотлашув таъсирида маънавий омиллар воситасида бошқа халқлар онги, қалби ва руҳиятига таъсир ўтказиш имкониятлари бекиёс даражада ошиб бормоқда. Эндиликда ахборот тарқатиш имкониятлари, турли халқлар маънавиятига кучли таъсир ўтказиш, маънавий хавфсизлиги заиф мамлакатларни қарам қилиш хавфи нисоятда кўпайиб бормоқда. Шу сабабли жамиятдаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий хавфсизлик тизимининг маънавият билан узвий боғлиқлиги таъминлангандагина миллий-маънавий хавфсизликнинг яхлит тизимини шакллантириш мумкин.

Америкалик олим Иммануел Валлерстайн ва немис файласуфи Ханс Георг Гадамерларнинг “Биз томомила бошқа дунёга кириб келдик, кейинги эллик йил инсоният учун “совуқ уруш” даврига нисбатан ҳам мушкул бўлиши кутилмоқда”, “барчага баробар таҳдидларга биргалашиб барҳам бериш иштиёқи камайиб бормоқда” [1:4], деган ташвишли фикрлари бугунги кун хусусиятини анчагина ойдинлаштирди. Сўнгги ярим асрдаги муаммолар қаторига демографик инқироз, “демократия экспорти”, маънавий қашшоқлашув, “оммавий маданият”, ғарбона турмуш тарзини тиқиштириш кабиларни киритишимиз мумкин. Масалан, бугунги кунда Европа ва Америка давлатлари кўплаб соҳаларда бошқа мамлакатлардан илгарилаб кетган бўлсада, маънавий соҳада тушқунликка, “ҳалокат”га учраётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Мисол учун ғарбда миллий қадриятлар тизимининг “маънавий бўҳронга” учраши оқибатида урф-одатларга эскилик сарқити сифатида қаралмоқда, шу билан биргаликда ўтмишда гуноҳ саналган амаллар фазилатга айлантирмоқда. Жиноятчилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, бесоқолбозлик каби иллатларнинг авж олиши, оилаларнинг бузилиши, туғилишнинг камайишини юқоридаги фикримизга далил сифатида келтиришимиз мумкин.

Барчамизга маълумки, қадимдан жамиятнинг мафкуравий манзарасини ўзгартирмоқчи бўлаётган ғоялар ва мафкура шакллари мавжудки, улар тинчлик ва барқарорликка хизмат қилиши билан биргаликда баъзилари инсоният тараққиётга жиддий таҳдид солиб келган. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, коммунизм, диний экстремизм ва фундаментализм, “оммавий маданият” каби маънавий-мафкуравий таҳдидлар шулар жумласидан бўлиб, тарихдан маълумки, II жаҳон уруши давридаги фашизм ғоялари инсоният бошига кўплаб кулфатларни келтиргани барчамизга маълум.

Таҳдидлар турли-туман шаклда бўлиб, жамиятга таъсири бўйича ички ва ташқи, катта ва кичик, макон нуқтаи назаридан эса узоқ ва яқин бўлиши мумкин. XX аср воқеалари шундан гувоҳлик бериб турибдики, таҳдидларни тоифалашда уларни шартли равишда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, демографик, мафкуравий, ҳарбий, табиий-иклимий ва маънавий таҳдидларга ажратиш кўриш ҳамда таҳлил этиш мумкин. Булардан энг хавфлиси инсонларнинг руҳиятига таъсир ўтказиш орқали миллатларнинг қадриятлари ва турмуш тарзини издан чиқаришга қаратилган ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаётида жиддий таъсир кўрсатадиган маънавий таҳдидлар ҳисобланади.

Маънавий таҳдидлар ўзининг чуқур тарихий илдизига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, миллоддан олдинги IV асрда яшаган хитойлик файласуф ва ҳарбий қўмондон Сунн Цзининг курашда ғолиб бўлиш учун:

- Сиз рақиб мамлакатдаги барча яхши нарсаларни бузинг, айнитинг;

- рақиб давлат раҳбариятининг обрўсини тўқинг, қулай пайтда уларнинг жамият олдида шармандасини чиқаринг. Бу ишда ўша мамлакатдаги энг паст, мараз одамлар билан шериклик қилинг;

- рақиб мамлакат одамлари орасида келишмовчилик, жанжал чиқаринг;

- ёшларни кексаларга қарши гиж-гижланг;

- ҳукуматнинг яхши иш юритишига ҳар қандай йўл билан қаршилик кўрсатинг;

- душманнингизнинг аъёнларини қадрсизлантиринг, худоларига ишончини синдириг” [3:50], деган фикрлари ҳам буни тасдиқлайди. Ана шундай бузғунчи ва тажовузкор ғоялар орадан 2600 йил ўтиб ҳам бугунги кунда инсоният олдидаги глобал муаммо сифатида турибди. Сабаби ушбу ғоялар бугунги кунда жамиятда маънавий инқирозни юзага келтирадиган турли замонавий технологияларга асос бўлмоқда.

Бир қарашда, руҳий алжирашдек туюладиган бу асарнинг мағзида эса Маркиз де Сад яшириб ўтирмаган мана бундай ғоявий-мафкуравий мақсад ётади: “Биз, – деб ёзади у “Фоҳишахоналар фалсафаси” асарида, – бундан буён дунёни забт этмоқ учун беҳисоб кўшин билан узоқ ҳудудларга ҳарбий ҳужум уюштиришимиз, жангдан сўнг ўлган аскарларимиз этиги бегона ютларда чириб битиши мутлақо шарт эмас. Агар менинг китобларимга ўхшаш асарларда тасвирланган яшаш тарзи ва ахлоқни бутун дунёга аста-секин муваффақиятли тарғиб қила олсак, шу орқали у ерларда яшовчи одамлар қалбини эгалласак, уларни жисман маҳф этишга ҳеч қандай ҳолат қолмайди. Қалби бизнинг қўлимизга ўтган халқларнинг ўзи, ихтиёрий равишда, оёғимиз остига юқиниб келади, бизга қул бўлади...” [2:91]. Ахлоқсиз ғояларни тарғиб этувчи асарлар ёзишда шуҳрат қозонган фаранг ёзувчисининг юқоридаги фикри тарихда ўз исботини топган.

Абдурауф Фитрат халқни, ўсиб келаётган ёш авлодни маданий-маърифий юксалтиришга даъват қилади. Бу йўлда уларнинг онгида Ватанга муҳаббат, юксак миллатпарварлик муносабатларини уйғотишга ҳаракат қилади. “Туркистон халқига хизмат қиларимиз деганлар мана шундай эркин миялар, тақлидсиз руҳлар тайёрлашга киришсунлар. Шуниси ҳам борким, бундай миялар, бундай руҳлар ёлғизгина йигитлар, ёшлар орасиндан чиқар” [5], “тақлидсиз руҳлар” деганда, назаримизда Фитрат шу нарсани эътиборда тутганки, “мустамлака зиёлиси очкўзлик билан ғарб маданиятини сипқиришга ҳаракат қилади, асрандига ўхшаб янги оилада у билан нафакат танишишга балки, қариндош тутинишга ҳаракат қилади” [4:450]. Шунинг учун бу хусусиятни олдини олиш мақсадида ёш авлодни “тақлидсиз”, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш зарурдир. Фитрат фикрича, миллатнинг истикболи ана шундай руҳли ёш авлод қўлида.

Бугунги тараққиёт даврида ҳам ўз моддий, сиёсий манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар хил давлатлар, марказлар томонидан турли мамлакатларга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита маънавий бузғунчилик, маънавий тажовузар амалга

оширилмоқда. Улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг маънавий-руҳий ҳиссиётлари, миллий туйғулари, ҳар қандай жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий, маънавий муаммолардан, шунингдек, замонавий технология, телекоммуникация, ОАВ, интернетдан усталлик, ғирромлик, ноҳолилик билан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Маънавий тажовуз – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, шахс ва жамият хавфсизлиги, маънавий, руҳий дунёсига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва шунга асосланган амалиёт мажмуини ифодалайдиган тушунча [7:393].

Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлиги, унинг миллий манфаатлари, жисмонан ва маънан соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги ташаббусларига жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охиروқибатда жамиятни инкирозга олиб келиши мумкин. Маънавий тажовузорлар кўпинча турли никоблар, жозибали шиор ва ғоялар никоби ортида иш қўради. Бундай кучлар ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, улар пухта ўйланган ҳамда давомли мақсадларига хизмат қилмоқда. Ҳозирги даврда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бермоқда, миллатларнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Энг ёмони, бундай маънавий хуружларнинг пировард мақсади одамни ўз юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилган бўлиб, унинг таркибига худбинлик ва лоқайдлик, маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик, ҳасад, сотқинлик сингари иллатлар қиради.

Ўрганишлар шунини кўрсатадики, бугунги даврда ҳам ғаразли мақсадларни юзага чиқариш, маънавий тажовуз қилиш орқали жамиятда маънавий инкироз ҳолатини вужудга келтириш, ёт ғояларни аҳоли, ёшлар онгига сингдириш ишлари турли замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда. Шундай технологиялар муаллифларидан бири Американинг “Mackinac Center” жамоатчилик сиёсати маркази катта вице-президенти Ж.П.Овертон бўлиб, у томонидан ишлаб чиқилган “Овертон ойнаси” номли технологиядир. Ушбу технологиянинг мақсади кетма-кет босқичда амалга ошириладиган фаолият орқали жамият, ёшлар онгига ғаразли ғояларни сингдириш ва жамиятни таназзулга олиб келишидир. Булар:

Адабиётлар

1. Аббосхўжаев О. ва бошқалар. Мафкура полигонларидаги олишув. – Тошкент: “Академия”, 2007, 4-б.
2. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. – Т.: “Академия”, 2007, 91-б.
3. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Т.: “Мухаррир нашриёти”, 2009, 50-б.
4. Рейснер П.Р. Эволюция восточных обществ: Синтез традиционного и современного. – М.: “Наука”, 1984.
4. Фитрат. Бизда йигитлик. Тонг. 1920. № 2.
6. Федотова В.Г. Факторы ценностных изменений на Западе и в России. // Вопросы философии, 2005. № 11. – С. 12.
7. Маънавий тажовуз // Маънавият асосий тушунчалар изохли лугати. – Т.: Ф.Ғулом, 2009, 393-б.
8. Интернет материаллари.

Глобаллашув жараёнлари оқибатида давлатлар, халқлар ўртасидаги муносабатларнинг низоҳатда чуқурлашиб кетаётганлиги, ахборот инкилоби, фан ва техника тараққиётининг юксак ривожини билан характерланади. Шу билан биргаликда ҳозирги даврда инсон онги ва қалбини эгаллашга қаратилган мафкуравий таҳдидларнинг кучайиб бораётганлиги, турли оқимлар ва кучлар томонидан ғаразли мақсадларнинг амалга оширилаётганлиги ҳам намойён бўлмоқда. “Маънавият”, “маънавий таҳдид”, “маънавий таҳдиднинг олдини олиш механизмлари” ва шу каби тушунчаларнинг мазмун моҳиятини тушуниш, тўғри идрок этиш давр талаби ҳисобланмоқда. Мақолада шу каби тушунчаларнинг мазмун моҳияти, келиб чиқиши ва тадрижий ривожланишига оид маълумотлар таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В результате процессов глобализации отношения между странами и народами стали намного глубже, характеризуются информационной революцией, быстрым развитием науки и техники. В то же время идеологические угрозы, направленные на захват человеческого разума и сердца, растут, а корыстные цели преследуются различными течениями и силами. Понимание сути понятий «духовность», «духовная угроза», «механизмы предотвращения духовной угрозы» и т. д. является требованием времени. В статье анализируются данные о сущности, происхождении и постепенном развитии подобных понятий.

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

As a result of the globalization processes, the relationship between countries and peoples has become much deeper, characterized by the information revolution, the rapid development of science and technology. At the same time, ideological threats aimed at capturing the human mind and hearts grow, and mercenary goals are pursued by various currents and forces. Understanding the essence of the concepts of “spirituality”, “spiritual threat”, “mechanisms of preventing a spiritual threat”, etc. is the requirement of time. The article analyzes data on the essence, origin and gradual development of such concepts.

1) ақл ҳаракатлар – ғоя сингдирилаётган жамиятда оммавий тарзда тақиқларни бекор қилишга эришиш;

2) қатъиятчилик – олимларни, мутахассисларни фаол тарзда жалб қилиш орқали очик ва расмий тарзда конференциялар, симпозиумлар уюштириш;

3) маъқуллаш ва мақбуллик – жамиятга хос бўлган “гуноҳ” тушунчаларнинг маъно-мазмунини ўзгартириш;

4) мантикийлик – илгари сурилган ғояга нисбатан турли қарашларни шакллантириш ҳамда қаршилик қилганларни янги ғоялар қушандаси сифатида қоралаш;

5) стандарт ўлчов – мазкур ғояни ОАВда фаол тарғиб қилиш, унга машҳур одамларни жалб қилиш орқали тегишли маълумотларни инсонлар онгига сингдириш;

6) амалдаги норма – ёт ғояларни меъёрий ҳужжатларга киритиш орқали қачонлардир ақлга сиғмайдиган воқеликлар ижтимоий ҳаётнинг нормаларига айлантириш [8].

Бугун тилимизда “оммавий маданият” номли тушунча кўп ишлатилади. Савол туғилиши табиий. Унинг мақсади нима ўзи, қачон пайдо бўлди? Ўтган асрнинг 50-60 йилларида АҚШнинг жанубий штатларида истикомат қилувчи бир гуруҳ ёшларда ўз ҳаёт тарзини бутун дунё маданиятига айлантириш истаги пайдо бўлади. Бу ҳаёт тарзи ўзининг енгил-елпилиги, жинсий ҳаётда эркинлиги, космополитизм ғоялари билан бутун дунё ёшларини ўзига оҳанрабодек жалб қила бошлади. XX аср охирида АҚШ ва Ғарбий Европадаги гўзал афишалар, тунги клуб ва дискотекалар жаҳон ёшларнинг идеалларига айланди ва бу бутун дунёга “оммавий маданият” номи билан тарқалди. Лекин бизнинг фикримизча, “оммавий маданият” умуминсоний маданият эмас, у “авом” ёки “оломон” маънавияти эмас, балки дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилаётган, ер қуррасида мавжуд барча ресурсларга эгалик қилишга интилаётган мамлакатлардаги “мақсадли” марказларнинг маънавиятидир. У нафақат кам тараққий қилган, шунингдек, ана шу юксак тараққий қилган мамлакатлар аҳолисини ҳам маънавий қашшоқликка мубтало қилаётган зўравонлик руҳиятини ва ахлокий бузукликни ифода этаётган ғоявий қашшоқ маънавиятдир. Шу жиҳатдан, П.Бьюкененнинг куйидаги фикри диққатни жалб этади: “Америка мафкуралашган давлатга, яъни ўз янги ақидаларини армия ва полиция орқали эмас, “оммавий маданият” инквизиторлари ёрдамида жаҳонга сингдираётган “юмшоқ тирания”га айланган. Бугунги кунда ОАВ, телевидение маданиятини “оломон”лаштиришнинг асосий воситаси ва манбаи бўлиб хизмат қилмоқда” [6:12].